

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **513 Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида тугатилган «Qarshi 16-son Avtobus Saroyi» очик акциядорлик жамиятининг мулккий комплекси негизида хом ипакни қайта ишлайдиган замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида**

Юқори сифатли рақобатбардошли ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, мавжуд ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри ҳокимлиги балансидаги тугатилган «Qarshi 16-son Avtobus Saroyi» очик акциядорлик жамиятининг бинолари ва иншоотларини тугатилган «Qarshi 16-son Avtobus Saroyi» очик акциядорлик жамияти негизида замонавий ипакчилик комплексини (кейинги ўринларда ипакчилик комплекси деб аталади) ташкил этиш учун масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Radiant Silk» қўшма корхонасига сотиш бўйича таклифига розилик берилсин.

2. Кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга ошириш доирасида «Radiant Silk» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси:

2012 — 2014 йиллар мобайнида камида 3,0 млн АҚШ долларини, шу жумладан I босқичда (2014 йил 1 январгача) — 1,8 млн АҚШ долларини, II босқичда (2015 йил 1 январгача) — 1,2 млн АҚШ долларини инвестиция қилиш;

120 тонна хом ипак (I босқич — 2013 йилда) ва бир йилда 500 минг погон метр ипак газлама (II босқич — 2014 йилда) ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган, юқори технологик асбоб-ускуналар билан жихозланган замонавий ипакчилик комплексини ташкил этиш;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг камида 80 фоизини экспортга етказиб бериш;

камида 200 та янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги:

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри ҳокимлиги балансидаги тугатилган «Qarshi 16-son Avtobus Saroyi» очик акциядорлик жамиятининг бинолари ва иншоотларини, қабул қилинган мажбуриятлар «Radiant Silk» масъу-

лияти чекланган жамият қўшма корхонаси томонидан тўлиқ бажарилгандан кейин мулкчилик ҳуқуқини расмийлаштириш шарти билан, истисно тариқасида тўғридан-тўғри шартнома бўйича инвестиция мажбуриятлари остида «Radiant Silk» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасига «нул» харид қиймати бўйича сотсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг 2-бандига мувофиқ «Radiant Silk» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилиши устидан мониторинг ўрнатсин.

4. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қуруқ пилла ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва ўртача муддатли даврда пиллакашлик корхоналарини, шу жумладан янгидан ташкил этиладиган ипакчилик комплексини ишлаб чиқариш хом ашёси билан узлуксиз таъминлаш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 5 ноябрь,  
315-сон